


Қуръонга оид савол-жавоблар (саккизинчи мақола)



11:44 / 16.01.2023 3113

8-савол: «Вафот этган ғайридинлар ҳақиға Аллоҳдан раҳмату мағфират сўраш жоизми?»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алҳамдулиллаҳ васоллаллоҳу васаллама ва барока аъла Расулиллаҳ ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи таъала ва барокатуҳ.

Бугунги кунда кўплаб инсонлар «**Вафот этган ғайридинлар ҳақиға Аллоҳдан раҳмату мағфират сўраш жоизми?**», деб сўрайдилар. Айниқса, ижтимоий тармоқларда бу савол кўп сўралиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади.

Мисол учун: «Яҳудий, насроний ёки бошқа динга эътиқод қилувчи кимса вафот этса, ўша одам ҳаётлик пайтида жамият ислоҳига, ривожига хизмат қилган, фойдали бирор ускуна кашф этиб, инсониятга тақдим этиб кетган, хуллас ўзидан яхши ном қолдирган ёки спортдаги маҳорати билан

инсонларнинг ёдида қолган Марадона каби машҳур кимса бўлса, нега уларнинг ҳақларига «Аллоҳ раҳматига олсин» деб дуо қилиб бўлмайди?

Нега Ислом дини ғайридинлар ҳақиға мана шу тарзда дуо қилишни тақиқлаган» каби саволларга қуйидагича тўхталиб ўтамиз:

«Фаразан, вафот этган бирор ғайридиннинг олдиға ўлимидан биров аввал бориб: «Сен вафот этганиндан кейин, Аллоҳдан сен учун раҳмат, мағфират тилашимизни хоҳлайсанми?», деб сўрасак, у ўйланиб ўтирмасдан: «Йўқ, менинг ўз диним, ақийдам, пайғамбарим бор. У мени қутқаради. Сен менинг ҳақимға раҳмат сўраб дуо қилишинға эҳтиёжим йўқ», дея жавоб берган бўларди. Чунки у бизнинг динимизға эътиқод қилмайди, Қуръонға, Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламға иймон келтирмайди.

Мусулмон бўлмаганларға Аллоҳдан раҳмат сўраш жоиз эмас десак, баъзиларға ёқмайди. Бизнинг вафот этган ғайридинға нисбатан раҳмат сўраш жоиз эмас дейишимиз ва раҳмат сўрамаслигимиз ўша одамни ёмон кўрганимиз учун эмас, балки эътиқодимиз бунға рухсат бермагани учун шундай қиламиз. Биз мусулмонлар ер юзидаги барча инсонларни яхши кўрамиз, уларға Аллоҳ таолодан иймон, ҳидоят, нур, саодат беришини сўраймиз. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларнинг ҳақиға: «Аллоҳим, қавмимни ҳидоят қилгин, улар нима қилаётганларини билмаяптилар» ёки «Аллоҳим, Давс қабиласини ҳидоят қилгин ва уларни ҳузуримизға мусулмон ҳолларида келтиргин» деб дуо қилганлар. Биз ҳам Аллоҳ таолодан бутун инсоният ҳақиға Пайғамбаримиз алайҳиссалом сўраган нарсаларини сўраймиз. Аммо ақийдамиз рухсат бермагани учун ғайридин ҳолда вафот этганларни ҳақиға раҳмат-мағфират сўрамаймиз. Чунки, у Пайғамбаримизға, динимизға иймон келтирмаган. Исломни хоҳламайдиган кимсаға қандай қилиб биз мусулмонлар Исломнинг шиори бўлган раҳмат сўраб дуо қилишни татбиқ этиб, нафсимизни шунға мажбур қиламизми?

Норози кимсалар: «Таниқли футболчи Марадонанинг ҳақиға Аллоҳдан раҳмат сўраб нега дуо қилмадинглар» деб савол берадилар.

Юқорида айтганимиздек, биз инсонларни яхши кўрамиз, ғайридинлар ҳақиға Аллоҳ таолодан ҳидоят сўраб дуо қиламиз, ҳар бир инсонни ўз ўрниға қўямиз. Бироқ ақийдамизға зид амал қилмаймиз. Нега биз ўз

нафсимизни ақийдамызга қарши бўлган амалга мажбурлашимиз керак?! Бу масалаларга мантиқ асосида ёндашиб кўрайлик. Бу ёмон кўриш масаласи эмас, балки ақийдага тегишли нозик масала.

Қаранг: «Бирортангиз бошқа дин раҳнамози томонидан ўз диндошларига: «Вафот этган мусулмоннинг ҳақиға раҳмат сўраб дуо қилинглр», деб айтганини биласизми ёки эшитганмисиз?!». Асло эшитмагансиз, бундай ҳолат бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, нега биз мусулмонлардан вафот этган ғайридинлар ҳақиға раҳмат сўраб дуо қилишимизни талаб қиляпсизлар. Яна ўша гап, бизнинг ақийдамыз бунга рухсат бермайди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони Каримда очиқ-ойдин:

لِلْمُشْرِكِينَ يَسْتَغْفِرُوا أَنْ أَمَنُوا وَالَّذِينَ لِلنَّبِيِّ كَانَتْ مَا

أَنَّهُمْ لَهُمْ تَبَيَّنَ مَا بَعْدَ مِنْ قُرْبَى أُولَى كَانُوا وَلَوْ

الْجَحِيمِ أَصْحَابُ ١١٣

«Набийга ва мўминларга мушриклар учун, агар яқин қариндошлари бўлса ҳам, улар олов соҳиблари экани аён бўлганидан кейин мағфират сўрашлари дуруст эмасдир» (Тавба сураси, 113-оят) деб

марҳамат қилган.

Биз мусулмонлар бу оятни четлаб ўтолмаймиз. Биз яшаб турган ғайридинлар ҳақиға иймон, ҳидоят, ўзимизнинг ҳақимизга эса ҳидоятда бардавом бўлиш ва гўзал хотима сўраб дуо қиламиз. Аммо вафот этган ғайридин ҳақиға раҳмату мағфират сўраб дуо қилмаймиз.

Валҳамду лиллаҳи Роббил ъаламийн.

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон
Муҳаррир: Хуршид Маъруф